

## ПРОФАЙЛИНГ МЕТОДИ – САМАРАЛИ ТЕРГОВ ГАРОВИДИР

*Йўлдошев Илхом Абдужалил ўгли*

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси*

*2-курс курсанти*

*[ilkhomyuldoshev77@gmail.com](mailto:ilkhomyuldoshev77@gmail.com)*

**Анотация:** Мазкур мақолада терговчиларда замонавий психологик методлардан бири, яъни профайлингнинг хусусиятларини шакллантириш зарурлиги ўз навбатида ҳар қандай жиноятни содир этган шахсни аниқлашга ҳамда уларни рост ёки ёлғон сўзлаётганини уларнинг вербал ва невербал ҳаракатлари орқали билиш имконини бериши ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, мақолада терговчиларда профайлинг методини қўллаш кўникмасини шакллантириш юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Профайлинг методи, вербал ва невербал воситалар, сўроқ қилиш, дастлабки тергов, персонаж.

### МЕТОД ПРОФАЙЛИНГРОВАНИЯ – ЗАЛОГ ЭФФЕКТИВНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ

**Анотация:** В данной статье говорится о том, что необходимость формирования у следователей одного из современных психологических методов, а именно особенностей профайлингирования, в свою очередь, который позволяет идентифицировать человека, совершившего какое-либо преступление и узнать говорит ли он правду или ложь, по их вербальным и невербальным действиям.

Также можно даны необходимые предложения и рекомендации по формированию у следователей навыков по методу профайлингирования.

**Ключевые слова:** метод профайлингирования, вербальные и невербальные средства, допрос, предварительное расследование, персонаж.

### THE PROFILING METHOD IS AN EFFECTIVE INVESTIGATIVE PLEDGE

**Annotation:** In this article, investigators are told that one of the modern psychological techniques, that is, the need to formulate the characteristics of profiling, in turn, makes it possible to identify the person who committed any crime and find out whether they are truthful or false through their verbal and nonverbal actions.

Also, the article provides the necessary suggestions and recommendations for the formation of the skills of the investigators to use the profiling method.

**Key words:** Profiling method, verbal and non-verbal means, interrogate, preliminary investigation, character.

*“Инсон ҳар нарсани айтиши мумкин. Аммо кўз ва қўллари уни албатта фош этади. Қўллар ҳеч нарсани яшира олмайди ва қўзларга қараганда қўпроқ нарсани айтиб беради”.*

**А.Брассер**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини замонавий, касбий-психологик билимлар орқали тайёрлаш, жумладан профайлинг технологиясини ўзлаштириш ҳамда амалда қўллаш малакасини шакллантириш, турли-туман жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил одамлар психологиясини билишни, нафақат омма орасидан бундай жиноятни содир этишга тайёргарлик кўраётган шахсни ташқи аломатлари балки хулқидаги хусусиятларига қараб аниқлаш имконини беради. Шу сабабли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг нафақат жисмоний, юридик, тактик, балки пухта психологик билимлар билан ҳам қуролланиши давр тақозосига айланмоқда.

**Профайлинг** (инглизча:”profile”) – шахсни ташқи кўриниши, новербал ва вербал хулқидаги энг кўп ахборот берувчи махсус белгилари, хусусиятларини таҳлил қилиш асосида инсон хулқини баҳолаш, башорат қилишга қаратилган психологик усул ва методлар мажмуидир<sup>1</sup>.

Ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, 1980 йилларда АҚШда профайлинг ибораси қўлланила бошланган бўлиб, ушбу соҳада биринчилар қаторида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб борган **Джон Дуглас, Роберт Ресслер**лар ва бошқа психолог олимларни мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга, профайлинг методи асосчилари психолог олимлар **П. Экман, В. Фризен, М. Сукермен** ва **Б.Де.Пауле** ҳисоблансаларда, 1888 йилда психологик портрет тузишга уринганлардан бири британиялик жарроҳ **Т. Бонд**нинг тадқиқотлари эътирофларга лойиқдир.

Дастлабки тергов босқичида жиноятчиликка қарши курашишда, шунингдек, жиноятларни фош этиш, адолатли ва холисона тергов қилиш, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг қилмишига адолатли баҳо бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Энг муҳими самарали тергов қилишда юқори натижаларга эришиш учун ҳозирда замонавий психологияда кенг қўлланаётган профайлинг методининг

<sup>1</sup> <https://uz.m.wikipedia.org>

ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, чет эл тажрибаларига назар ташлайдиган бўлсак, детективлар томонидан шахс психологиясини ўрганиш улар учун зарур жиҳатлардан бири бўлган. Чунки, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ҳақиқатан ҳам ушбу қилмиш у томонидан содир этилганми ёки йўқми, шунингдек унинг вербал ва новербал ҳаракатлари орқали рост ёки ёлғон гапираётганлигини аниқлаш имконини беради.

Шу сабабли, терговчиларда профайлинг методи ҳақидаги психологик билимларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланган сўроқ қилиш орқали жиноят ишига доир ҳамда янги жиноятни очишга имкон берадиган маълумотларни олиш ва содир этилган жиноят юзасидан келиб чиққан саволларга жавоб топиш жараёнида ёрдам беради.

Шу ўринда, О.Й. Баевнинг фикрича, сўроқ анча мураккаб тергов ҳаракати ҳисобланади. Бу ҳолатни сўроқ қилинган шахс ҳаққоний гувоҳлик беришни зарур деб ҳисобламаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, сўроқ қилиш каби тергов ҳаракати давомида терговчи томонидан сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатувларида ўйлаб топилган ва алоҳида ўтказиб юборилган хатоларни ажрата олиш муҳим ҳисобланади<sup>2</sup>.

Юқоридаги фикрга таянган ҳолда, айтиш мумкинки, амалиётда терговчи томонидан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг берган ёлғон кўрсатувларини олиш ва шунинг натижасида жиноятни фош этаман деб мавҳум бўлган маълумотлар атрофида банд бўлиб қолиш натижасида дастлабки тергов муддатини бой бериш ҳолатлари ҳам кузатилади. Шу сабабли, ушбу муаммога ечим сифатида албатта, ҳар қандай шахс, яъни жиноят иши юзасидан гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиши, унга психологик баҳо беришининг самарадорлиги жиноят процесси иштирокчилари томонидан берилган кўрсатувларни қонуний баҳолаш имкониятини оширади. Бу борада, профайлинг методи бўйича қатор илмий тадқиқот олиб борган психолог олим **Аллан Пизнинг** “*Инсоннинг хатти-ҳаракатлари унинг ўзига хос таширф қозонидир!*”<sup>3</sup> деган таърифига эътибор қаратиш талаб этилади. Агар амалиётда дастлабки тергов жараёнида профайлинг методини чуқур билган ҳолда ҳаракат қилинса жиноятларни иссиқ изидан очиш, жамиятда уларни бартараф этиш билан боғлиқ фаолиятнинг самарадорлиги ортади.

Терговчи сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун чақирган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлардан кўрсатув олиш жараёнида

<sup>2</sup> Мазунин Я.М. //Тактико-психологические основы допроса. Психо-педагогика в правоохранительных органах, 2004. 4 б.

<sup>3</sup> Пиз, Аллан. Тана тили (Ҳаракатлардан фикрни қандай ўқиш мумкин) // А.Пиз. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021 й. 3 б.

улар томонидан ёлгон кўрсатув бераётганини аниқлаш учун профайлинг методидан фойдаланиш мумкин. Бу жараёнда шахснинг икки хил шаклдаги, яъни вербал ва невербал хатти-ҳаракатларини профайлинг методи асосида аниқласа бўлади:

**Биринчидан**, терговчи процесс иштирокчиси томонидан ёлгон кўрсатув бераётганлигини унинг вербал ҳаракатларига баҳо бериш орқали тезда илғаб олиш мумкин. Масалан, ёлгон кўрсатув бераётганда инсоннинг гапларида кетма-кетлик бузилади, бузилишлар эса паузаларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Ушбу босқичда терговчи томонидан процесс иштирокчиларининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва эмоционал-иродавий ҳолатларидан келиб чиқиб ташхис қўйиши жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, сўроқ қилинаётганда дарҳол, берилган кўрсатувлар билан мавжуд бўлган маълумотларни солиштириш керак. Бундай ҳолда, маълумот берилаётган нарсаларни батафсил кўрсатишга қаратилган саволларни тузиш ёлгонни аниқлашнинг самарали воситаларидан бири бўлиб, у сўроқ қилиш жараёнининг ўзида, шунингдек хабар қилинган маълумотларни кейинроқ текшириш пайтида амалга оширилиши мумкин.

**Иккинчидан**, шахс кўрсатув бераётганида агар у оғзини қўли билан беркитса ёки оғзини ёпишга ҳаракат қилса, эркаклар томонидан қовоқларини жуда ғайрат билан ишқалашлари, шунингдек кўзларини бошқа томонга олиб қочишлари уларнинг ёлгон сўзлаётганларини аниқлаштиришга кўплаб ўрганилган тадқиқот натижасидир. Шу билан бирга, психолог олим **Детмон Моррис** томонидан одамларнинг ёлгон гапираётганларини уларнинг юз ва бўйин қисмининг нозик мушакларига тегиниб, қичиш ҳиссини чақириш ва сезгиларни тинчлантириш учун қашлаш талаб қилинишини аниқлаган. Юқоридагилар ўз навбатида шахснинг невербал ҳаракатлари орқали муносабатларини аниқлаш имконини беради<sup>4</sup>.

Ёлгонни аниқлашда асосий усуллардан бири иш бўйича тўпланган маълумотлар, шунингдек терговчининг аниқ маълумотларга эга бўлган ҳолатларини шакллантириш учун асос бўлган назорат саволларини шакллантириш жуда муҳим ҳисобланади. Бундай саволларни бериш ёлгон гапирган сўроқ қилинувчи томонидан ўйлаб топилган тақдим этиш тизимини бузади ва уни сўроқ пайтида аниқлашга имкон беради, бу кўрсатувлар билан изоҳлаб бўлмайдиган қарама-қаршиликларни аниқлашга асосланади. Бунда эса, назорат саволлари ўз моҳиятига кўра асосан сўроқ пайтида берилган

<sup>4</sup> Пиз, Аллан. Тана тили (Ҳаракатлардан фикрни қандай ўқиш мумкин) // А.Пиз. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021 й. 76 б.

кўрсатмаларнинг ҳақиқатга мувофиқлигини аниқлашга қаратилгандир. Шунинг учун уларнинг асосий вазифаси ёлгон маълумотларни аниқлашдан иборат.

Биламизки, иш юзасидан тўпланган маълумотлар билан боғлиқ назорат саволларини шакллантириш ёлгонни рад этади, чунки бу аниқланган факт ёки ҳолат тўғрисидаги маълумотларни объектив акс эттирувчи кўшимча маълумотларнинг ошкор этилишига олиб келади. Гувоҳликдаги ёлгонни аниқлаш жараёнида моддий маълумотларни тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолда, моддий маълумотлар сўроқ қилинаётган шахс томонидан ўйланган ёлгон мантиғини бузиш билан бирга уни янги тушунтиришлар излашга ёки аниқ номувофиқлиги туфайли хабар қилинган маълумотларни рад этишга мажбур қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, мукамаллик сўзини айтиш осон, лекин, унга эришиш ўз навбатида муайян қийинчиликларни енгиб ўтишни талаб қилади. Шу сабабли, терговчи мукамаллик сари ҳаракат қилар экан ўзида фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, криминалистик тактика ва жиноятларни тергов қилиш методикасини билишини ўзи етарли бўлмайди. Бизнингча эса, терговчи фаолият натижаларининг самарадорлигига қисқа вақт ичида эришиши учун ўз навбатида шахс руҳиятини ўрганиш ва шунга мос муомала қилиш билан чамбарчас боғлиқлигини билиши лозимдир. Шу билан бир қаторда, тергов амалиётини мулоқотсиз тасаввур этиб бўлмаслиги бизга маълумдир. Шу сабабли, терговчилар билан фуқаролар ўртасида бўладиган мулоқот жараёнида касбий маҳоратга эга бўлишлари лозим. Чунончи:

- ўзида психологик чидамлик, бардошлиликни ишлаб чиқиши;
- салбий ҳиссиётларни бартараф этиш ва олдини олишга ўрганиш;
- руҳий зўриқишни бартараф этиш;
- мулоқотнинг психологик-педагогик маданиятини шакллантириш керак бўлади.

Шунингдек, терговчиларда биринчи навбатда профайлинг методи ҳақида кўникмани ҳосил қилиш мақсадида ҳар бир туман тергов бўлими терговчилари учун бир ойлик муддатда малака ошириш курсини ташкиллаштирган ҳолда яъни, ҳафтада икки иш кунинг ўртача бир соатини психолог-ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган дарсга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, сифатли дарсларни ташкиллаштириш учун ҳар бир туман ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими ва туман ИИО ФМБ ҳузуридаги психологик таъминлаш гуруҳи ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда амалга оширилиши зарур. Бундан ташқари, дарсларни амалий тарзда ўтказиш ўз ўрнида профайлинг методи ҳақида кўникмани шакллантиришда юқори самара беради. Чунки, профайлинг методи ўз навбатида юқорида тақдланганидек,

шахсларнинг вербал ва новербал ҳаракатларига баҳо бериш билан боғлиқлиги дарсларни амалий ўтказишга таянч бўлиб хизмат қилиши бежизга эмас.

Терговчилар профайлинг методини қўллаш кўникмасини шакллантириши натижада эса, ҳар бир терговчи ўзида намунали терговчи қиёфасини яратишда психолог персонажини шакллантиришга ҳаракат қилиши, амалиётда, жиноят процесси иштирокчилари билан мулоқотга киришишларида баъзи бир қийинчиликларга дуч келишини олдини олиши мумкин бўлади. Терговчиларнинг психологик билимлардан унумли фойдаланиши шахс ҳуқуқ-атворидаги носамимий ва яширин ҳолатларни аниқлашда шунингдек, жиноят ишини очишда муваффақиятли самара беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Коновалова В.Е, Шепитько В.Ю. “Основы юридической психологии”. Учебник. Харьков, 2005.
2. Мазунин Я.М. “Тактико-психологические основы допроса”. “Психо-педагогика в правоохранительных органов”, 2004.
3. Хакимова И.М., Расулова Н.З. “Жиноятчи шахсини вербал ва новербал психодиагностика қилиш хусусиятлари ва уни ўрганиш методикаси”. Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.
4. Пиз, Аллан. “Тана тили (Ҳаракатлардан фикрни қандай ўқиш мумкин)”. А.Пиз. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021 й.
5. <https://criminal-justice.iresearchnet.com/forensic-psychology/psychological-profiling/>
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/s-ro-ilish-tergov-arakati-sifatida-uni-amalga-oshirish-turlari-va-taktikasi/viewer>